

## Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф бошлаган анъана давом этмоқда



19:42 / 13.06.2019 3735

Тарихдан маълумки, қадимги Мовароуннаҳр мадрасаларида, хусусан Бухоро, Самарқанд, Хоразм, Шош мадрасаларида Қуръони каримни ёд олиш билан бирга, тафсир, ҳадис, фикҳ, ақоид, тасаввуф, фароиз, усулул фикҳ ва мусталаҳул ҳадис фанлари бўйича ислом оламида машҳур олимларнинг араб, форс, туркий тилларда ёзилган мўътабар китоблари, ушбу китобларга ёзилган шарҳлар ва уларнинг ҳошиялари ўқитилган. Ушбу фанлар бўйича энг мўътабар китобларни тугатганларни эса “Хатм карда мулло” деб номлашган. Талабалар мадрасада ўқишни тамомлаш вақтида “Хатмул кутуб”, яъни “Дарслик китобларни тугатганлик” бўйича махсус тадбир ўтказилган. Тадбирда ўша вақтдаги катта мударрислар, шаҳар қози ва муфтийлари йиғилган. Устоз ва талабаларга дастурхонлар ёзилиб, тадбир сўнгида китобларни ўқиб тугатган талабалар қози ва муфтий каби катта устозлар олдида имтиҳон қилиниб, ғолиблар ва дарс берган устозлар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланиб, уларнинг ҳаққига дуои хайрлар қилинган.

Аллоҳга шукрлар бўлсинки, юртимизда ана шундай азалий қадриятлар тикланмоқда, буюк аждодларимизга муносиб ворис бўлиш асосий вазифа қилиб белгиланмоқда.

Жорий йилнинг 13 июнь куни Ўзбекистон мусулмонлари идораси мажлислар залида Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти ўқитувчи ва талабаларининг мўътабар асарларни ўқиб тугатганлиги муносабати билан “Хатмул кутуб” тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Усмонхон Алимов ҳазратлари, уламолар, устоз-мураббийлар ва талабалар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Анъанага кўра, Қуръон тиловати ва муфтий ҳазратларининг дуои хайрлари билан бошланган тадбирда институт ректори У.Ғафуров 2018-2019 ўқув йили мобайнида талабалар устозлар кўмагида асосий дарс ва қўшимча машғулотларда ўқиб тамомлаган китоблари ҳақида маълумот берди.

Тадбирда У.Ғафуров институтнинг 20 нафардан ортиқ ўқитувчилар томонидан институтнинг 300 нафар талабаларига ўқув йили бошидан Имом Термизийнинг “Сунани Термизий” асари матни ва унинг шарҳи ҳамда Имом Таҳовийнинг “Шарҳи Маонил осор” асари матни ва унинг шарҳи асосий ва факультатив дарс сифатида ўқитила бошлангани, устозларнинг ҳиммати ва талабаларнинг ғайрати билан ушбу мўътабар асарлар тўлиқ ўқиб тугатилганини эслатиб ўтди.

Шунингдек, “Ақоид ва фикҳий фанлар” кафедраси ўқитувчилари бошчилигида “Ҳидоя”, “Шарҳул виқоя”, “Канзуд дақоик”, “Ал-ашбоҳ ван назоир”, “Нурул анвор”, “Усулуш Шоший”, “Шарҳу Ақоидун Насафия”, “Зовъул маолий”, “Интибоҳотул муфида” каби кўплаб китоблар ўқиб тугатилди.

Муфтий Усмонхон Алимов ҳазратлари марҳум ва мағфур Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари бошлаб берган эзгу анъанани давом эттириш, талаба-ёшларнинг мўътабар асарларни хатм қилиш одати жуда ҳам фойдали экани, келгусида Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Насоий каби олимлар чиқишига замин бўлишини билдирдилар.

Келажакада шу каби “Хатми кутуб” тадбирларини Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Имом Насафий каби алломаларнинг зиёратгоҳларида ҳам ўтказиш режалаштирилмоқда.

Мамнуният билан қайд этиш мумкинки, “Таҳфизул-Қуръон” кафедраси ўқитувчилари раҳбарлигида Тошкент ислом институтига ўқишга киргандан кейин 67 нафар талаба Қуръони каримни тўлиқ ёд олдилар. Жорий ўқув йили давомида бир қанча қори ва қория талабалар Қуръони каримни бир ўтиришда ёддан ўқиб бергандилар, институт қорилари республика Қуръон мусобақасида фахрли ўринларни эгалладилар ҳамда Кувайт, Малайзия,

Туркия, Россия, Эрон, Саудия Арабистонида ўтказилган халқаро Қуръон мусобақаларида муваффақиятли иштирок этдилар. “Таҳфизул-Қуръон” кафедраси мудирини Ж.Неъматов Саудия Арабистонида ўтказилган Халқаро қорилар мусобақасида ҳакам сифатида иштирок этди. 2019 йил Рамазон ойида институтнинг 90 дан ортиқ устоз ва талабалари Тошкент шаҳри ва вилояти масжидларида таровеҳ намозларида “Хатмул Қуръон” қилиб бердилар.

Мана шундай амалий натижалардан яна бири, тадбири асносида битирувчи курс талабалари Ҳабибуллаев Сирожиддин ва Нажмиддинова Робияга “Таҳфизул Қуръон” кафедраси мудирини Жаҳонгир қори Неъматов Қуръони карим бўйича ижоза шаҳодатномасини топширди.

Тадбир якунида муфтий ҳазратлари барча иштирокчиларни “Хатмул кутуб” муносабати билан муборакбод этиб, мўътабар китобларни хатм қилиб ўқишнинг фазилати ва бу йўлда саъй-ҳаракат қилган устоз ва талабалар учун Аллоҳ таолонинг ажру-савоблари беқиёс экани, “Хатмул кутуб” анъанасини Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги барча диний таълим муассасаларида давом эттирилиши зарурлигини таъкидладилар.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов ҳазратлари “Хатмул кутуб”да фидойилик кўрсатган устозларни фахрий ёрлиқ ва пул мукофотлари билан тақдирладилар.















